

## JIGAR KASALIKLARIKA IBN SINO QARASHLARI

Tilloeva Sh.Sh.,

Buxoro davlat tibbiyot instituti.

### ✓ Rezume

*Tadqiqot maqsadi: Ibn Sino ta'limotida jigarning mizoj buzilishi kasalliklari va unda parhezning ahamiyatini o'rganish, jigarning tabiiy va buzilgan mizoj belgilari ni o'rganib, shunga mos holda parhez berishni o'rganish  
Kalit so'zlar: Jigar kasalliklari, mizoj, parhez, xilt.*

## ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО НА ЗАБОЛЕВАНИЯ ПЕЧЕНИ

Tilloeva Sh.Sh.,

Бухарский государственный медицинский институт.

### ✓ Резюме

*В учении Ибн Сины изучаются болезни печени с расстройством мизажа и значение диеты в ней, изучаются симптомы естественного и нарушенного мизаж печени, изучается, как правильно давать диету соответственно.*

*Ключевые слова: Болезни печени, темперамент, диета, хилт.*

## IBN SINO'S VIEWS ON LIVER DISEASES

Tilloeva Sh.Sh.,

Bukhara State Medical Institute.

### ✓ Resume

*In the teachings of Ibn Sina, the study of diseases of the liver with mizaj disorder and the importance of a diet in it, the study of the symptoms of natural and disturbed mizaj of the liver, the study of how to give a diet accordingly.*

*Key words: Liver diseases, temperament, diet, hilt.*

## Долзарблиги

Ҳозирги вақтда гепатология фани йилдан йилга ривожланиб, касалликларни кечиши, диагностикаси ва даволашнинг янги қирралари очилмоқда, лекин шунга қарамай жигар касалликлари ер юзида кенг тарқалганилиги, касалликларни сурункали равишда кечиб, организм учун муҳим бўлган аъзо ва система-ларни фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, ногиронликка олиб келиши ва бу касаликдан келиб чиқсан ўлим кўрсаткичлари ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам жигар касалликларини ўрганиш ҳозирги вақтда гепатологлар олдидаги долзарб муаммалардан бири бўлиб қолмоқда [1,2, 5].

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг кашфиётлари, маслаҳатлари, ҳусусан ички касалликлар борасида орадан неча минг йиллар ўтган бўлса-да буюк олимнинг ҳозирги замон тибиётининг асосчиси деб аташга имкон беради [4]. Бизга маълумки жигар организмнинг энг катта биокимёвий лабораторияси бўлиб, ибн Синонинг фикрича организмда-ги табиий суюқликлар (ҳилтлар) нинг ҳосил бўлиши ва бутун танага тарқалиш ўрни бўлгани учун, жигар касалликлари бутун организмнинг касаллиги бўлиб ҳисобланади [2, 3].

Текшириш мақсади: Ибн Сино таълимотида жигарнинг мизож бузилиши касалликлари ва унда парх-ензинг аҳамиятини ўрганиш.

Ибн Сино ҳар бир аъзо касаллигини баён этишда мизож қонуниятларига таянган ҳолда унинг табиий мизожига эътибор қаратган. Чунки мизож ҳақида таълимот инсоннинг соғлик ва касаллик ҳақидаги тиб-

бий ёндашишларининг фундаментал асоси бўлиб ҳисобланади. Бу мизожнинг маълум бир сабабларга кўра ўзгариши қатор касалликларни келтириб чиқаради. Шу мақсадда биз жигарнинг табиий ва бузилган мизож белгиларини ўрганиб, шунга мос ҳолда парх-еъз тавсия қилдик. Кўйида жигарнинг бузилган мизож белгиларини келтирамиз:

1) Жигарнинг бузилган иссиқ мизож белгилари: қаттиқ ташналиқ, иштаҳанинг бўлмаслиги, қизиб кетиш, сийдик рангининг ўзгариши, томир уришининг тезлашиши, тана ҳароратининг ошиши, қовургалар остида оғирлик сезгиси, ўт аралаш қусиши ва бошқалар.

2) Бузилган совуқ мизож белгилари: ўнг қовурга остида оғирлик сезгиси, иштаҳанинг бўлмаслиги, лаб ва тилнинг оқариши, қон камайиши, қон ҳаракатининг қийинлиги, тери рангининг оқариши, томир уришининг сусайиши, сийдик рангининг оқариши каби белгилар кузатилади.

3) Бузилган қуруқ мизож белгилари эса, оғиз ва тилнинг қуруқлиги, ташналиқ, томир уришининг қаттиқлиги, юз рангининг қорайиши, айрим ҳолларда ўнг қовурга остида оғирлик, кўнгил айниш белгилари кузатилади.

4) Бузилган ҳўл мизож белгиларида юз ва кўзнинг салқиши, қовурга тогайларида мускулларнинг бўшашиши, рангининг саргимтири агар талоқ ҳамкорлиги ҳам қўшилса, талоқ соҳасида оғирлик сезгиси қорамтири тусга кириши ва бутун тананинг кучсизланиши кузатилади.

Жигар касалликларини даволашда ибн Сино биринчи ўринда бошқа касалликлар сингари танқияни

яньи, организмни тозалашни қўяди. Иккинчи ўринда парҳез ва учинчи ўринда дори-дармонлар билан даволашдир. Аллома ҳар бир касаликка парҳез тавсия қилганда, албатта ушбу 4 та олтин қоидага риоя қилиши таъкидлаб ўтган.

1. Беморнинг табиий мизожи
2. Мизож бузилишдаги сабаб
3. Беморнинг яшаш муҳити
4. Беморга буюриладиган таомнинг табиий мизожи.

### Материал ва услуллар

Биз мақсадимизга эришиш учун Буҳоро вилоят кўп тармоқли тибиёт марказининг гастроэнтерология бўлимида сурункали гепатит билан оғриган 28 та bemorni кузатув остига олдик ва буларни 2 та гуруҳга бўлдик. Биринчи асосий гуруҳга 14 та bemor ва иккинчи назорат гуруҳга 14 та bemor кузатув остига олинди. Биринчи гуруҳдаги bemorларга ибн Сино таълимоти асосида уларнинг қундалик даволаш ва овқатланиш тартиби мизожи асосида режа тузилди. Иккинчи гуруҳ bemorларига эса даволаш режаси ва Певзнер диетологияси асосида овқат рациони тузилди. Текширишдан олдин bemornинг объектив, субъектив белгилари: ўнг қовурга остида оғирлик, қорин дам бўлиши, иштаҳанинг пасайлангани, умумий ҳолсизлик, теридаги ўзгиришлар ва лаборатор, инструментал текширув натижалари олинди.

Жигар касалликларида овқатланиш тартибини тузганда овқат устига овқат ейиш, наҳорда ҳусусан ҳаммом қабул қилгандан сўнг совуқ сув ичиш, қаттиқ овқат устидан суюқ овқат ейишдан сақланиш, аччиқшўр овқатларни ейишдан тийилиш, спиртли ичимликларни ичмаслик, ўткир шириналар истеъмол қилишдан тийилиш кераклиги, чунки шириналар тезда ўтга айланиб, тиқилма пайдо бўлишига замин яратади. Bemornining овқатланиш рационига фализлиги ва ёпишқоқлиги бўлмаган енгил гўштлардан тайёрланган суюқ овқатлар, олма суви, анор суви ва майиз ивитмаси bemor мизожига мос ҳолда тавсия қилинди. Агар bemordan жигарнинг бузилган иссиқ мизож белгилари устунлик қилса, уларга петрушка ва сачратқи ўсимлигининг дамламасидан ичириш, гул ёғига совуқ сув қўшиб ичирилганда, жигарнинг иссиқлиги мўътадиллашганлиги, сабзавотларнинг қайнатмаси, ҳусусан қайнатилган лавлаги, қайнатилган балиқ, нордон қаттиқ мевалардан дўлана, беҳи, нок тавсия қилинди. Бузилган совуқ мизожни даволашда эса bemorga тоза асални наҳорда истеъмол қилиш, тез ҳазм бўлувчи парранда гўштларидан тайёрланган суюқ ов-

қатларга карам, мурч, зирк қўшиб истеъмол қилиш буюрилди. Бузилган қуруқ мизож белгилари устунлик қилганда кўпроқ, ҳўл сабзавотлардан истеъмол қилиш, итузум, арнабодиёндан тайёрланган дамламани истеъмол қилиш тавсия этилган бўлса, жигарнинг бузилган ҳўл мизож белгилари устунлик қилганда, қуритувчи, буриштирувчи ҳусусиятга эга бўлган гуруч, зира, писта каби маҳсулотлар овқат рационига киритилди [2, 3].

### Натижва таҳлил

Ушбу қоидаларга риоя қилган биринчи гуруҳдаги bemorларда 10 кундан сўнг динамикада кузатганда, юқорида қайд этилган клиник белгиларнинг камайганлиги, лаборатор текширувларда жигар синамаларининг нормага яқинлашганлиги, жигар фаолиятининг яҳшиланганлиги, иккинчи гуруҳдаги bemorларга нисбатан кўпроқ кузатилганлиги қайд этилди.

### Хуноса

Bemorni даволаганда унинг мизожи ва касаллик таъсирида ўша аъзонинг мизожини ўзгаришини аниқлаб, овқат компонентларини касалликка мос ҳолда рацион тузиш, даволаш самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди, чунки истеъмол қилинаётган маҳсулот организмга озуқа сифатида ёки даво сифатида таъсир қилиб, унинг фаолиятини меъёrlаштиришга ёрдам беради. Соёлом турмуш тарзини ташкил этишда ҳар бир инсон гавда тузилиши ва мизожига тўғри келадиган овқат танлаб истеъмол қилса меъёрини сақлай олса, буюк аллома таъкидлабанидек инсон ўз саломатлигини сақлаган, узоқ умр кўришига замин яратган бўлади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ :

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари I китоб 1994й. Тошкент. Ҳалқ мероси нашриёти.
2. Ибн Сино таълимоти Ф.Э.Нурбоев, Ш.Ш.Тиллоева, Д.Б.Рахматова Шарқ нашриёти. Ўқув қўлланма. 2019 йил
3. Тиббий ўйтілар . Абу Али ибн Сино Тошкент "Мехнат"1991 йил
8. Абу Бакр Ар-Розий касалликлар тарихи.А. Қодирий номли ҳалқ мероси нашриёти.1994 йил
4. Луқмони ҳаким тиббий ўйтілари.А.Қодирий номли ҳалқ мероси нашриёти.1994 йил
5. Ўзбекистонда ватан топган ўсимликлар. Ю. Урдаҳаев.Тошкент.Ўзбекистон "Фан" нашрёти.1990 йил

Келиб тушган вақти 09.11.2020